

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

АБУ РАЙХОН БЕРУНИЙ НОМИДАГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ

“ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИ” КАФЕДРАСИ

ЎЗБЕКИСТОНДА ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР
ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

(“Мустаҳкам оила йили”га бағишланади)

III ТЎПЛАМ



Тошкент 2012

С.А. Мирзаев
ТошДТУ

Ўзбекистонда мустақиллик йилларида нефть – газ тармоғининг ривожланиши

Ўзбекистон мустақилликка эришгач жаҳон иқтисодиёти тизимида ўзига хос ўринни эгаллаб, иқтисодиётимизнинг бошқа соҳалари қатори нефть-газ тармоғини тубдан ислоҳ этиш ва модернизациялаш борасида қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Зеро, президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганидек, “Ўзақ тармоқларни ривожлантириш Ўзбекистон иқтисодий мустақиллигининг энг асосий шартидир” [4.234].

Ўзбекистон Республикаси ер ости бойликлари бўйича углеводород хомашёсининг катта захираларига эга бўлган давлатлар қаторига киради. Ўзбекистон табиий газ казиб чиқарувчи дунёдаги 90 дан зиёд давлатлар орасида етакчилик қилувчи биринчи ўнлик давлатлари сафида XXI асрга қадам кўйди. Жами суёқ ва табиий газ, углеводород хомашёсини казиб чиқариш йиллик ҳажми бўйича эса Ўзбекистон Марказий Осиё давлатлари орасида етакчилик қилади [1.37-38]. Ўзбекистонда олинаётган газнинг бир қисми кўшни давлатларга экспорт қилинади [7.528]. Республикамиз худудининг 60 фоизга яқин майдони нефть ва газ салоҳиятига эга бўлган имкониятлари ташкил этади. Мамлакатимизнинг нефть-газ қазилмаларига бой бўлган мавжуд 5 та ҳавза – Устюрт, Бухоро-Хива, Жанубий – Ғарбий Ҳисор, Сурхондарё ва Фарғона - ҳавзаларида 2012 йилнинг бошига келиб 242 тадан ортиқ углеводород хомашёси конлари фаолият кўрсатиб, буларнинг 110 нафари сўнгги 20 йил мобайнида очилган. Келгусида Хоразм ва Сирдарё минтақаларида ҳам янги нефть-газ конларини очилиши ҳамда ўзлаштирилиши кўзда тутилган.

Ўзбекистонда давлат ва ҳукумат томонидан нефть ва газ саноатини янада ривожлантиришга қаратилган бир қатор чора-тадбирлар амалга ошириб келинмоқда. Жумладан, 1998 йил 11-декабрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонида кўра нефть ва газни казиб чиқариш ҳажмларини кўпайтириш, янги нефть ва газ конлари ўзлаштирилишини жадаллаштириш, нефть ва газни қайта ишлаш ҳамда ташиш самарадорлигини ошириш, хорижий сармояларни жалб этиш борасидаги ишларни фаоллаштириш, республиканинг нефть ва газ саноатида бозор муносабатларини янада ривожлантириш ҳамда нефть-газ тармоғини бошқариш тузилмасини такомиллаштириш мақсадида “Ўзбекнефтгаз” Миллий корпорацияси “Ўзбекнефтгаз”

Миллий Холдинг Компаниясига айлантирилди ҳамда ушбу фармон билан қуйидагилар “Ўзбекнефтгаз” Холдинг Компанияси фаолиятининг асосий вазифалари ва йўналишлари этиб: жорий ва узок муддатли тахминларни, газ, нефть ва нефтни қайта ишлаш саноатини ривожлантиришнинг, табиий ресурслардан ва мавжуд ишлаб чиқариш салоҳиятидан самарали фойдаланишнинг аниқ мақсадли илмий-техникавий, иқтисодий ва ижтимоий дастурларини ишлаб чиқиш; республика иқтисодиёти ҳамда аҳолисининг нефть маҳсулотлари ва газга бўлган талаб-эҳтиёжларини тўла-тўқис таъминлаш; нефть ва газ соҳасидаги геология-қидирув ишларининг стратегик ҳамда устувор йўналишларини белгилаш ва мувофиқлаштириш, нефть ва газ конларини қазишнинг самарали тизим ва усулларини жорий этиш; хорижий мамлакатлар ва компаниялар билан иқтисодий, техникавий, технологик ва инвестиция соҳасидаги ҳамкорликни ҳар томонлама кенгайтириш; нефть, газ ва нефть маҳсулотлари республика ва жаҳон бозори конъюктурасини ўрганиш негизида сармояларни жалб этиш; газ таъминоти ва нефть маҳсулотлари билан таъминлаш тизимининг фаолияти устидан назоратни амалга ошириш; тармок корхоналаридан янги технологиялар ва илғор менежмент усулларини жорий қилиш белгиланди [3.462-463].

Ўзбекистон ҳозирда газ ва газ конденсатларини экспорт қилиш бўйича жаҳондаги етакчи давлатлар каторига киради. Президентимиз Ислом Каримов 1990 йилда «янгидан очилган нефть конлари яқин вақт ичидаёқ нефть казиб олишни 3 – 4 баробар кўпайтириш имконини беради» [5.193] деб таъкидлаган эди.

“Ўзбекнефтгаз” Миллий Холдинг Компанияси таркибига 6 та акциядорлик компаниялари киради. Компания бошқарувининг юқори органи акциядорларнинг умумий йиғилиши ҳисобланиб, йиғилиш ўз навбатида бошқарувчилар кенгашини сайлайди, мазкур орган компаниянинг фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади, тармокнинг стратегияси ва истикболдаги ривожланишини белгилайди, тактикасини ва яқин орадаги вазифаларини ишлаб чиқади.

Холдинг Компаниясининг Ижроия аппарати – бошқарувчилар кенгашининг ишчи органи ҳисобланади, кенгаш томонидан қабул қилинган қарорларни бажарилишини ва назоратини таъминлайди, компаниянинг барча молия-хўжалик фаолияти устидан жорий бошқарувни амалга оширади. Компаниянинг Бошқаруви раиси бир вақтни ўзида бошқарувчилар кенгаши раисининг ўринбосари ҳам ҳисобланади.

Чет эл инвестицияларини мамлакатимиз иқтисодиётини юксалишидаги ўрни йил сайин тобора ошиб бормоқда. Ўзбекистон

Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек, “...мамлакатимизнинг салоҳияти, кудрати ва иктисодиётимизнинг рақобатдошлигини оширишда ҳал қилувчи аҳамият касб этадиган навбатдаги муҳим устувор йўналиш – бу асосий етакчи соҳаларни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш, транспорт ва инфратузилма коммуникацияларини ривожлантиришга қаратилган стратегик аҳамиятга молик лойиҳаларни амалга ошириш учун фаол инвестиция сиёсатини олиб боришдан иборат” [6.65].

Бугунги кунда компания узок муддатли истикболли режаларга эга бўлиб, бу ишларни чет эллик ҳамкасблари яъни “ЛУКОЙЛ”(Россия), “PETRONAS” (Малайзия), “SASOL” (Жанубий Африка Республикаси) ва бошқа компаниялар билан ҳамкорликда амалга ошириш кўзда тутилган. Геология-кидирув ишларини кучайтириш мақсадида компания фойдали қазилмаларни излаб топишнинг янги усул ва илғор технологияларини кенг қўлламоқда. Қийин тоғ-геология ва географик шароитларда қўлланиладиган сейсмик ускуналар ўзлаштирилди. Замонавий бурғилаш технологияларини жорий қилиниши конларни қуриш муддатларини сезиларли даражада қисқартириш имконини берди.

Мустақиллик йилларида амалга оширилган ишлар мамлакатимизнинг Бухоро-Хива ва Сурхондарё минтақаларини узок муддатли истикболга эга эканлигини тасдиқлади. Республика бўйича табиий газ захиралари умумий ҳажмини ўсишида Устюрт минтақасини ҳиссаси сўнгги йилларда тўхтовсиз ўсиб бормоқда (ўртача 60% га) [2.3]. Устюртда ҳам бой захиралар аниқланиб, у жойда Сургил, Шарқий Бердах, Учсой сингари йирик газ конлари очилди. Булар яқин орада жадал қилиниши бошланиши мўлжалланаётган янги Устюрт газкимё комплекси учун хомашё манбаи бўлади. Комплекс ишга туширилгач, унинг қуввати йилига 4,5 млрд куб.м. газни қайта ишлаб, 387 минг тонна полиэтилен ва 83 000 тонна полипропилен маҳсулоти ишлаб чиқаришга тенг бўлади.

Мазкур лойиҳа Жанубий Кореянинг “KOGAS” ва “HONAM” компаниялари Консорциуми билан биргаликда амалга оширилмоқда. 2011 йилнинг августида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов ва Корея Республикасининг Президенти Ли Мён Бак иштирокида комплекс қурилиши бошланишини рамзий тоши қўйилди.

Яна бир бутунлай янги йўналиш – бу Жанубий Африканинг “SASOL” компаниясига тегишли GTL технологияси бўйича синтетик суюқ ёқилғини ишлаб чиқариш лойиҳаси ҳисобланади. Мазкур компания ушбу лойиҳани амалга ошириш учун беҳуда киришмади. Шўртан газкимё мажмуаси негизида барпо этилаётган мазкур қўшма

корхона ишга туширилгач, йиллик қуввати 3,4 млрд куб.м. метанни қайта ишлаб, 1,7 млрд тонна синтетик ёқилғи маҳсулотини ишлаб чиқаришга тенг бўлади.

Бугунги кунда дунёда альтернатив энергия манбалари яратилмоқда. Шу ўринда метандан дизель ёқилғи, авиакеросин, сиқилган газ ва нефть олиш лойиҳаси яқунлангач, мазкур ишлаб чиқариш истикболли ва инновацион қарорга айланади. Яна бир альтернатив йўналиш – бу ёқилғи сланцлардан синтетик нефть олиш ҳисобланади. Ушбу йўналишни улкан келажаги бор, чунки Ўзбекистон сланцларни катта захираларига эга бўлган мамлакат ҳисобланади.

Холдинг Компания таркибидаги “Ўзгеобурнефтгаз” акциядорлик компанияси Вьетнамнинг PETROVIETNAM компанияси билан биргаликда оғир нефть қатламларини аниқлаш мақсадида геология-кидирув бурғилаш ишларига киришди. Холдинг компания учун зарур асбоб-ускуналарни ва улар учун эҳтиёт қисмларни ишлаб чиқариш, полимер буюмларни яратиш ишлари унинг таркибидаги “Ўзнефтгазмаш” АК корхоналари томонидан муваффақиятли амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон нефт-газ тармоғида фаолият юритаётган чет эл компаниялари орасида Россиянинг “ЛУКОЙЛ” компанияси алоҳида ўрин тутди. 2004 йилда “Ўзбекнефтгаз” Миллий холдинг компаниясининг бевосита иштирокида “ЛУКОЙЛ” компанияси томонидан амалга ошириладиган Қандим-Хуазак-Шоди-Қўнғирот участкалари бўйича 35 йил муддат давомида амал қиладиган битим имзоланди ва кучга кирди. Мазкур лойиҳани ўша йилнинг ўзида ташкил этилган “ЛУКОЙЛ Узбекистан Оперейтинг Компани” операцион компанияси амалга оширади.

2006 йилда “Ўзбекнефтгаз” МХК томонидан “ЛУКОЙЛ”, “KNOC”, “CNPC” ва “PETRONAS” каби инвесторлар консорциуми иштирокида Орол лойиҳаси бўйича битим имзоланди. 2007 йилнинг феврал ойида лойиҳа оператори – “Арал Си Оперейтинг Компани” кўшма корхонаси таъсис этилди, бир йил ўтгач эса Хаузак-Шоди ҳавзасида саноат миқёсида газ қазиб чиқариш бошланди. 2008 йилда “ЛУКОЙЛ” компанияси Ўзбекистон Республикасининг Жануби-Ғарбий Ҳисор ва Марказий Устюрт ҳавзаларидаги конларни қазиш ҳуқуқини қўлга киритди. 2011 йилда Шоди ҳавзаларининг Ғарбий қисмида дастлабки ишга туширувчи мажмуа фойдаланишга топширилди ҳамда Жануби-Ғарбий Ҳисорнинг контракт худудидаги Жаркудук конида дастлабки газ олинди. 2008 йил сентябрь ойида Хаузак-Шоди ҳавзасидаги газ конида лойиҳада кўзда тутилганидек, йилига 3 млрд. кубометр газ қазиб олиниши қувватига эришилди. 2010

йилда бу жойда газ казиб олишнинг янги лойиҳаси тайёрланди, унга кўра, бир йилда казиб олинган газ ҳажми 4 млрд. кубометрга оширилди, 30 дан ортиқ газ конлари бурғиланди ва ишга туширилди. 2012 йилда Хаузақда битта кон ва Шодида иккита кон бурғиланди, янги конларни бурғилаш ва ишга тушириш ишлари давом эттирилмоқда.

Ўзбекистонда нефть ва газни қайта ишлаш тизимида ҳам бир қатор ижобий ўзгаришлар амалга оширилди. Жумладан, Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи 1959 йилда ишга туширилган бўлиб, 2002 йилда қайта реконструкция қилинган, йилига 8,7 млн. тонна нефтни қайта ишлаш қувватига эга бўлди ҳамда 50 турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқаради. Шунингдек, 1997 йилда янгидан иш бошлаган Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи йилига 2,5 млн. тонна нефтни қайта ишлаш қувватига эга бўлиб, 10 турдаги маҳсулот чиқаради. 2001 йилда битказилиб, ишга туширилган Шўртан газкимё комплекси 3,9 млрд куб.м. газни қайта ишлаш қувватига эга бўлиб, йилига 125 000 тонна полиэтилен маҳсулоти ишлаб чиқаради. Бундан ташқари, 1971 йилда иш бошлаган ва йиллик қуввати 30 млрд куб.м. бўлган Муборак газни қайта ишлаш заводи ҳамда 1980 йилда ишга туширилган ва йиллик қуввати 20 млрд куб.м.га тенг бўлган Шўртан газни қайта ишлаш заводи ҳам фаолият кўрсатмоқда.

2011 йил 6 октябрда Хорватиянинг Дуброник шаҳрида бўлиб ўтган Халқаро Газ Иттифоқининг навбатдаги йиғилишида, Ўзбекистон дунёдаги йирик газ казиб олувчи мамлакатлардан бири сифатида ушбу ташкилотга бир овоздан аъзоликга қабул қилинди [8.12].

Ҳозирги кунда “Ўзбекнефтгаз” Миллий Холдинг Компаниясининг олдида турган долзарб вазифаларидан бири замонавий инновацион технологияларни ва тўғридан-тўғри чет эл инвестицияларини жалб этиш йўли билан мамлакатда нефть казиб олишни жаҳон талаблари даражасига етказиш ҳамда келгусида нефть маҳсулотларини экспорт қиладиган йирик давлатлар қаторига қўшилишдан иборат.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон Республикаси сўнгги 20 йил мобайнида нефть казиб олиш ва табиий газни ишлаб чиқариш бўйича мустақилликка эришибгина қолмасдан, балки бугунги кунда Европа ва Осиё мамлакатларига ёқилғи-энергетика ресурсларини етказиб берадиган давлатлардан бирига айланди. Нефт-газ саноатида импортни ўрни қисқариб бориб, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг ҳиссасини тобора ортиб боришига эришилмоқда. “Ўзбекнефтгаз” Миллий Холдинг Компанияси бошчилик қиладиган нефть-газ тармоғи Ўзбекистон Республикаси

иктисодиётнинг етакчи соҳаларидан бирига айланганини даврнинг ўзи исботламоқда.

Адабиётлар:

- ¹ Абидов А.А. Дунё нефтгазли худудлари ва акваториялари. – Тошкент: Шарқ, 2009. – Б.37-38.
- ² Абидов А.А. Особенности размещения скоплений углеводородов и перспективы нефтегазоносности Судочьего прогиба. Автореферат, дисс.канд. геолого-минералогических наук. – Ташкент, 2012. – С.3.
- ³ Давлат қурилиши ва бошқаруви. – Тошкент: Ғофур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2007. – Б.462-463.
- ⁴ Каримов И.А. Ўзбекистон иктисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. – Тошкент: Ўзбекистон, 1995. – Б-234.
- ⁵ Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. – Тошкент: Ўзбекистон, 2011. – Б.193.
- ⁶ Каримов И.А. Асосий вазифамиз – Ватанамиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. – Тошкент: Ўзбекистон, 2010. – Б.65.
- ⁷ Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 2 том. – Тошкент: 2001. – Б. 528.
- ⁸ Узбекистан стал действительным членом международного газового союза. // Ўзбекистон нефт ва газ журналі, 2012 йил, май. – Б. 12.



М. Раҳмонали кизи, М. Сайдалиева.
ТошДТУ

**Ёшлар маънавий тарбияси таъсирини оширишда ўзаро
ҳамкорлик**

Ёшлар тарбияси, уларни маънавий етук этиб тарбиялаш-давр талабидир. Келажакимиз пойдевори бўлган ёшларни баркамол инсон қилиб тарбиялашда ҳуқуқий саводҳонликнинг аҳамияти ката.

Воспитание молодежи формирование у них духовный зрелость - великие времени. В дело воспитания совершенного человека велико значение распространение правовой грамотности в молодежной среде.

Youth training and to train them as spiritual perfected person is requirement of the period. Right literacy is very important in training the youth who are the basis of our future as a perfect person.

Маълумки, Ўзбекистон ўз мустақиллигига эришга н дастлабки кунлариданок келажакимиз пойдевори бўлган ёшларни баркамол инсон

Бердиев Х. ТошДТУ. Нурота воҳаси айрим топонимларининг шаклланишига доир маълумотлар.....	215
Камолова Х. Қашқадарё ВПКҚТМОИ. Шаҳрисабз гузарлари: ўтмиш ва бугун.....	218
Воҳидов Ш. ТошДТУ. Исмоилов И. НамИПИ. Муҳаммадсолиххўжа Тошкандийнинг “Тарихи жадидаи Тошканд” асари ва унга (ўгли –) Муродхўжа Солиххўжанинг битилган тақризи ва иловаси.....	224
Аҳмед ўгли О. ЎЗР ФА ТИ. Сурхон воҳасида алоқа тармоқларининг вужудга келиш тарихи.....	248
Қурбонова Н. АндМИ. XIX-аср охири XX-аср бошларида Фарғона водийси дехконларининг аҳволи оғирлашиши ва унинг сабаблари.....	252
Инатов М.Н. ТошДТУ. XX аср 20-йилларида Ўзбекистон кишлок хўжалиги ривожланишининг хусусиятлари.....	257
Тўхтаев А. ТерДУ, Исаев О. ЎЗР ФА ТИ. Термиз шаҳри иқтисодиётида хунармандчиликнинг тугган ўрни (1920-1930 йй.).....	262
Саййид Аҳмад кизи М.С. Тош ДТУ. Ўзбек халқ амалий санъати: анъаналар ва янгиланишлар	267
Тўрдибой кизи Х. ТошДТУ. Мустақил Ўзбекистон иқтисодий тараққиёт йўлида.....	270
Мирзаев С.А. ТошДТУ. Ўзбекистонда мустақиллик йилларида нефть – газ тармоғининг ривожланиши.....	275
Раҳмонали кизи М., Сайдалиева М. ТошДТУ. Ёшлар маънавий тарбияси таъсирини оширишда ўзаро ҳамкорлик.....	280
Ҳайитов У. ТошДТУ. Сиёсий-бошқарув қарорлари қабул қилиш ва уни моделлаштиришнинг айрим хусусиятлари.....	283
Мишарев Д.Ю. ТашГТУ. История и общество: к проблеме исторического сознания.....	293
Абдукаҳхор ўгли М. АндУ. Хожа Аҳроп – Мовароуннахр	